

ХОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИДА ПАРЛАМЕНТИННГ АҲАМИЯТИ

Найимов Отабек Мардонович

otabekesd@gmail.com

Alfraganus University

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада турли давлатларнинг сиёсий тизимида ҳокимиятлар бўлининши принципининг амалдаги қўринишлари қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, унда парламент институтининг тутган ўрни ва роли очиб берилган. Хусусан, мазкур соҳада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, парламентаризм идеалларини мустаҳкам қарор топтириши борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, турли хил сиёсий мактабларнинг парламент борасидаги назария ва қараашлари, парламентаризм ва сиёсий кўппартиявийликнинг тараққий этиши парламентнинг сиёсий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамловчи омил эканлиги асослаб берилган.

Калим сўзлар: Ҳокимиятлар бўлининши принципи, парламент, парламентаризм, қонунчилик ҳокимияти, ижроия ҳокимияти, суд ҳокимияти, демократия, сиёсий тизим, сиёсий ислоҳотлар.

Abstract: In this article, a comparative analysis of the separation of powers in the political system of different countries, the actual manifestations of the constitutional principle, as well as the place and role of parliament in the political system is explained. In particular, the essence of the reforms being carried out in Uzbekistan in this field, the specific aspects of the measures being implemented to establish the ideals of parliamentarism have been highlighted. Moreover, it is justified that the theory and ideals of parliamentarism, the development of political multi-party system serves as a factor that further strengthens the importance of the parliamentary system.

Key words: The principle of separation of powers, parliament, parliamentarism, legislative power, executive power, judicial power, democracy, political system, political reforms.

Кириш

Хорижий мамлакатлар конституцияларида ҳокимиятларнинг бўлиниши тамоили баъзан тўлик кўрсатиб ўтилмайди. Масалан, АҚШ конституциясида ҳокимиятнинг халқа тегишлилиги ва айни вақтда, турли тармоқларга бўлиниши белгиланган. Америка Кўшма Штатлари Президенти ижро ҳокимиятини амалга ошириши ва Кўшма Штатларда суд ҳокимиятини Олий суд ва Конгрес томонидан вақти-вақти билан таъсис этиладиган қўйи судлар томонидан амалга оширилиши АҚШ конституциясида белгиланган бўлсада, конституцияда “Қонунчилик ҳокимияти тушунчаси йўқ. Бу ерда ўрнатилган барча қонунчилик ваколатлари Кўшма Штатларнинг Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган Конгрессига тегишидир¹”. Конституциянинг шарҳидан келиб чиқсан, бу ҳолда Конгресс қонунчилик ҳокимиятининг эгаси бўлмай, балки қонунчилик ваколатининг ташувчиси, ижрошибидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим хорижий мамлакатлар конституцияларида ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, Япония конституциясида парламент давлат ҳокимиятининг олий органи ва ягона қонун чиқарувчи олий орган деб ҳисобланади, ижро ҳокимияти кабинет томонидан амалга оширилади, суд ҳокимияти тўлалигича Олий суд ва қонуний таъсис этиладиган қўйи суд органлари кўлида. Испания конституциясида ҳам қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти аниқ бўлинган. Греция конституциясида ҳам бундай бўлинишни кўришимиз мумкин. Шаркий Европанинг аксарайт янги демократик давлатларида, шунингдек Россияда ҳокимиятнинг изчил бўлиниши ҳақидаги тезис расмий равишда қарор топган.

Асосий қисм

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Мамлакатимизда мунтазам тарзда олиб борилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш доимий ислоҳотлар мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси / Тузувчилар: И.Комилов, Ф.Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М. Алимов умуумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 162.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этиувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”¹. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, сиёсий ҳокимиятнинг бу уч функцияси – қонун чиқариш, ижро этиш ва одил судлов – бир-биридан мустақил тарзда амалга оширилиши кераклигини назарда тутади.

Парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир. Шунинг учун ҳам дунёдаги турли демократик тизимларда парламент фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва усулларини шакллантириш, самарадорлигини ошириш, ҳокимиятнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари тармоқлари фаолияти билан бўладиган ишларини уйғунлаштириш борасида тизимли ислоҳотлар олиб бориляпти.

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йигилишидаги маъruzасида таъкидлаб ўтганидек, “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижроиси бўлиши керак”². Дарҳақиқат, парламентимиз янги Ўзбекистон шиори остида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг Бош ташаббускори, ижроиси бўлиши лозим.

Демократик жамият барпо этиш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Икки палатали парламентнинг жорий этилиши белгиланган мақсад сари амалга оширилган муҳим ислоҳотлардан биридир. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига тўхталадиган бўлсак, Олий Мажлис Конунчилик палатасида Спикер ва Олий Мажлис Сенатида Сенат раиси раҳбарлигидан иборат таркибда фаолият юритади.

Конунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишини ташкил этиш мақсадида Конунчилик палатаси Кенгаши тузилади. Конунчилик палатаси Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади.

Парламентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва роли унинг функциялари билан белгиланади. Бу атаманинг асосий илмий моҳияти муайян тизимда маълум бир обьект хоссаларининг намоён бўлишини ифодалашдан иборатдир. Адабиётларда бу борада турли хил талқинлар келтирилсада, ҳукуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 11-модда. <https://constitution.uz/uz/clause/index>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йигилишидаги маъruzasi. 12 июль 2017 йил.

соҳада ҳам функция сўзининг маъноси айрим ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда унинг фалсафий тушунчасига анча мос келади. Жумладан, Т.Я.Хабриевага кўра, парламент функциялари ушбу орган фаолиятининг асосий йўналишларини англатади ва улар вакиллик, қонунчилик ҳамда назоратдан иборатдир¹. О.Н.Булаковнинг фикрича, парламент функциялари юридик жиҳатдан унинг ваколатларида ифодаланади ҳамда улар вакиллик, қонунчилик, назорат, давлат органларини шакллантириш, ташкилий ва юқори палатанинг қуи палатани тийиб туриши кабилардан иборатдир². С.А.Авакъян парламентнинг халқ вакиллиги, қонунчилик, мамлакат ишларини бошқаришда ва давлат аппаратини шакллантиришда иштирок этиш, парламент назорати, қуи вакиллик органларига кўмаклашиш ва услубий мувофиқлаштириш каби функцияларини фарқлайди³.

Парламент ҳақидаги замонавий қараш ва ёндашувлар таҳлили.

Парламент ҳақидаги тадқиқотларда, жумладан ўқув ва илмий адабиётларда парламент фаолиятига доир бир қатор замонавий қараш ва ёндашувлар мавжудлигини ҳамда улардан баъзи бирларини таҳлил этишни лозим топдик.

Жумладан, Н.Боброва ҳокимиятлар бўлиниши тизимида давлат ҳокимияти органларининг тутган ўрни ва ролини қуидагича изоҳлайди: “Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида давлат ҳокимияти органларининг бошқарувда тутган ўрни ва роли, шу билан биргаликда фуқаролик жамиятига таъсири биринчидан, бошқарув органининг юридик мақоми, унинг ваколатларининг хажми ва сифати билан, иккинчидан, унинг фактик мақоми, у ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар билан белгиланади⁴”. Шу жиҳатдан яна бир олим А.Д.Талисбаева парламентни демократиянинг ривожланиш асоси ҳисоблаб, унга қуидагича таъриф берган. “Парламентаризм ўзида давлат ҳокимияти ва демократик жамият асослари принциплари мажмuinи; парламентаризм субектларини, унинг таркибини, шакли, методлари, восита ва функциялари, механизмини; парламентаризмни ишлаш тартиби ва ривожланишини механизмини тартибга солувчи нормалар ва

¹ Основы парламентского права: научно-практическое пособие / Под ред. д.ю.н., проф. Т.Я.Хабриевой; предисловие Председателя Государственной Думы Б.В.Грызлова. – М.: Издание Государственной Думы, 2006. – С. 27.

² Булаков О.Н. Функции палат парламентов (теория и практика) // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. – №6, 2003. – С. 2.

³ Авакъян С.А. Федеральное Собрание России: перспективы совершенствования организации и деятельности // Вестник Московского университета. Серия 11, Право. №2, 2002. – С. 5-6.

⁴ Боброва Н.А. Законадательные (Представительные органы государственной власти как инструмент гаржданского общества. / Вестник СамГУ. № 5 (96), 2012. – С.167.

чора тадбирларни ўзида қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, парламентаризм демократиянинг ривожланишининг асоси ҳисобланади¹.

Р.Я.Евзеровнинг фикрига кўра, кенг маънода парламентаризм парламентнинг устувор мавқеини ва ҳукуматнинг унга ҳисобдорлигини англатади, тор маънода эса унинг давлат ҳокимияти тизимида муҳим ўрин тутиши ва қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи сифатида бир маромда фаолият юритишини ифодалайди².

С.Р.Гостеванинг таъкидлашича, парламентаризм – шундай сиёсий тизимки, унда халқнинг суврен иродаси кўпартиявийлик ва ҳокимиятларнинг бўлиниши шароитида умумий ва яширин овоз бериш асосида сайланадиган, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва ҳукумат фаолияти устидан назоратни ўрнатадиган ҳамда кўпчилик ва озчиликнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган олий вакиллик органида ўз аксини топади³.

О.Н.Булаковнинг қайд этишича, “парламентаризмга хусусий ҳаётдан ижтимоий, яъни сиёсий ҳаётга ўтишнинг тарихий шакли, тобе ва ҳуқуқсиз инсоннинг сиёсий ҳуқуқлар билан, энг аввало, жамиятда ҳокимиятни танлаш ҳуқуқи билан таъминланган шахс – фуқарога айланиши жараёни сифатида қараш мумкин”⁴. Ушбу муаллиф шунингдек, парламентаризмни парламент ва унинг ижтимоий функциялари заруратини илмий асослашга хизмат қилувчи ғоявий-назарий концепция сифатида ҳам талқин этади.

Бу борада А.Бегзадяннинг фикрлари ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Унга кўра, парламентаризм бир томондан ҳокимиятлар бўлиниши шароитида жамиятда вакиллик ва қонун чиқарувчи ҳокимият бирлигини ўзида ифодаловчи реал сиёсий-ҳуқуқий институт бўлса, иккинчи томондан эса парламент ва унинг ижтимоий функциялари заруратини асослашга хизмат қилувчи ғоявий-назарий концепция бўлиб ҳисобланади⁵.

М.А.Могунова қайд этганидек, «Ҳеч шубҳа йўқки, ҳокимиятни жамиятнинг турли табақалари томонидан амалга оширишнинг вакиллик

¹ Талисбаева А.Д. Механизмы совершенствования парламентаризма в Республике Казахстан, Российской Федерации и Республике Узбекистан / “Юриспруденция”. №3, 2014. – С. 25-28.

² Евзеров Р.Я. Парламентаризм и разделение властей в современной России // Общественные науки и современность. №1, 1999. – С. 83.

³ Гостева С.Р. Государственная Дума – важный фактор становления современного парламентаризма в России // Научн. ред. Ю.Д. Мещерин. – Воронеж: Изд-во им. Е.А.Болховитинова, 2001. – С. 3.

⁴ Булаков О.Н. Понятие и сущность парламентаризма как института представительной демократии // Право и жизнь. № 54, 2003. – С. 32-50.

⁵ Бегзадян А. Понятие, сущность и организация парламентаризма в Российской Федерации // Право и жизнь. № 67 (3), 2004. – С. 4.

шаклларини ривожлантирмасдан ва такомиллаштирмасдан туриб, яъни парламент демократиясиз жамиятни демократлашириш мумкин эмас»¹.

А.П.Любимов кайд этганидек, ҳар қандай мамлакат парламенти сиёсий, минтақавий ҳамда хусусий интилишларнинг хилма-хил тарздаги муштараклиги натижасидир. Парламент турли манфаатларнинг умумий муштараклигига биринчи ўринга ҳалқ фаровонлиги чиққандагина демократик бўлади. «Бундай шароитда қонун чиқарувчи ҳокимият ва фуқаролик жамияти институтлари шахс, инсон ва фуқаро эркинликлари мужассамланадиган реал соҳага айланди», деб таъкидлаб ўтган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак парламентнинг шаклланиши ҳар бир мамлакатда муҳим, сиёсий аҳамиятга эга бўлган, кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасида парламентнинг шаклланиши мамлакатда сиёсий ҳокимият тақсимланиши принципини ўрнатди. Парламентаризмнинг ривожи фақатгина ташкилий асосларнинг яратилиши, конституция ва қонунларда тегишли қоидаларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланмайди. Хусусан, жамият аъзоларининг сиёсий-хукуқий савияси, фаоллиги, маънавий етуклиги ва фуқаролик жамияти институтларининг қанчалик ривожланганлиги парламентаризмнинг ривожига муҳим таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади.

Билдирилган фикрлар ва мулоҳазалар асосида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи парламентаризм ғояси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш жоиздир. Зеро, айнан, парламентаризм ғояси давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципининг юзага келишига замин яратган. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг самарали амалга оширилиши парламентаризмнинг қарор топиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи ва парламентаризм давлат ҳокимиятини хукуқий ташкил этишининг муҳим қоидалари бўлиб, буларсиз демократияни, давлат механизми самарадорлигини, хукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

¹ Могунова М.А. Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – М.: Российский Государственный Гуманитарный Университет, 2011. – С. 9.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йифилишидаги маърузаси. 12 июль 2017 йил.
2. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси / Тузувчилар: И.Комилов, Ф.Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М. Алимов умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
4. Основы парламентского права: научно-практическое пособие / Под ред. д.ю.н., проф. Т.Я.Хабриевой; предисловие Председателя Государственной Думы Б.В.Грызлова. – М.:2006.
5. Булаков О.Н. Функции палат парламентов (теория и практика) // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. – №6, 2003.
6. Боброва Н.А. Законадательные (Представительные органы государственной власти как инструмент гаржданского общества. / Вестник СамГУ. № 5 (96), 2012.
7. Талисбаева А.Д. Механизмы совершенствования парламентаризма в Республике Казахстан, Российской Федерации и Республике Узбекистан / “Юриспруденция”. №3, 2014.
8. Могунова М.А. Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – М.: Российский Государственный Гуманитарный Университет, 2011.